

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ОЛҒА БОРАВЕРАМИЗ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТҚАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЪ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 139 (2687).

Жума, 17 июль 1964 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Сессиянинг муҳокама этилган масала юзасидан қонунлар қабул қилиши партияимизнинг, ҳукуматимизнинг халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан бошқа нияти йўқлигини яна бир марта кўрсатади. Бизнинг олий мақсадимиз—коммунизмни муваффақиятли суратда қуришдан, меҳнатқашларнинг фаровонлигини ўстириш йўлини қатъият ва изчиллик билан амалга оширишдан иборат. **Н. С. ХРУШЧЕВ.**

Анастас Иванович МИКОЯН
СССР Олий Совети Президиумининг
Раиси қилиб сайланди



Анастас Иванович Микоян 1895 йил 25 ноябрда Арманистон ССР Олаверди районининг Санаи қишлоғида дуратор ишчи оиласида туғилди. Миллати арман. Ўрта маълумотли (Тбилисдаги арман диний семинариясини тамомлаган).

1915 йилда Коммунистик партия сафига кирди. Улуғ Октябрь

социалистик революциясининг аъло иштирокчиси.

1917—1920 йилларда Занавказье бўлшевикчи ташкилотларининг ишида ва Озарбайжонда Совет ҳокимиятини ўрнатишда фаол қатнашди. Боку партия комитети босирининг аъзоси, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети Сийосий босирининг аъзоси бўлди.

Партия Марказий Комитети 1920 йилда А. И. Микоянни гу

берия партия ташкилотига раҳбарлик қилолқ учун Ўзбекистон Новогорода (ҳозирги Горький шаҳри), 1922 йил қўлламаида эса Ростов-Дон шаҳрига юборди. У бу шаҳарда дастлаб Марказий Комитет Шарқи-Жанубий босирининг секретари бўлди; сўнгра эса (1926 йилгача) Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг секретари бўлиб ишлади.

А. И. Микоян 1926 йилдан бошлаб Москвада ишлайди. 1926 йилдан тортб 1930 йилгача СССР ташқи ва ички савдо халқ комиссарии, 1930 йилдан бошлаб СССР таъминот халқ комиссари, 1934 йилдан тортб 1938 йилгача СССР озиқ-овқат саноати халқ комиссари лавозимларида ишлайди.

А. И. Микоян 1937 йилдан 1946 йилгача СССР Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари ва айни вақтда (1938 йилдан тортб 1946 йилнинг мартигача) СССР ташқи савдо халқ комиссари бўлди. 1946 йилдан бошлаб СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, айни вақтда (1946 йилдан тортб 1949 йилгача) СССР ташқи савдо министри ва (1953 йилдан бошлаб) СССР савдо министри, 1955 йилдан бошлаб СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосаридир.

А. И. Микоян 1922 йилда РКП(б) Марказий Комитети аъзолигига кандидат, 1923 йилда эса Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланади. 1926 йилдан ВКП(б) Марказий Комитети Сийосий босирининг аъзолигига кандидат, 1935 йилдан бошлаб ВКП(б) Марказий Комитети Сийосий босирининг аъзоси, 1952 йилдан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, 1919 йилдан буюн Бутунроссия Марказий Иқтисодий Комитети составига, сўнгра эса СССР Марказий Иқтисодий Комитети составига сайланиб келди.

А. И. Микоян 1937 йилдан буюн ҳамма қаҳиронлардаги СССР Олий Советининг депутати.

Улуғ Ватан уруши йилларида А. И. Микоян СССР Давлат мулофаззат комитетининг аъзоси эди.

1943 йилда уруш вақтининг оғир шароитларида Қизил Армияни озиқсизлаш, ённи ва буюмлар билан таъминлаш ишини уюштириш мақсадида жуда катта ҳушматлари учун Анастас Иванович Микоян Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини унвони берилди. У тўрт марта Ленин ордени билан ва бошқа орден, ҳамда медаллар билан мунофотланган.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВни СССР Олий Совети

Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети

қарор қилди:

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетида иш

билан банд бўлганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

А. И. МИКОЯН.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ А. И. МИКОЯНни СССР Олий Совети

Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети

қарор қилди:

Ўртоқ Анастас Иванович Микоян СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

И. ШАРИПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ А. И. МИКОЯНни СССР Министрлар Совети

Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод

қилиш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети

қарор қилди:

Ўртоқ Анастас Иванович Микоян СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги муносабати билан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

И. ШАРИПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1964 йил 15 июль.

СССР ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА

МОСКВА, 15 июль. (ТАСС). СССР олтинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессияси бугун учинчи кун ишламоқда. Иттифоқ Советининг ва Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида мажлисларида ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «КПСС Программасини халқ фаровонлигини ошириш соҳасида бажариш чоралари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш давом этмоқда.

Совет мамлакатининг ҳамма районларидаги аҳолининг вакиллари бўлган депутатлар колхозларининг аъзоларига пенсиялар ва нафақалар тайинлаш тўғрисидаги, маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш хўжалиқларининг ва аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа хўжалик тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги таклифларни яқдиллик билан маъқулламоқдалар.

Бу — Коммунистик партия ва давлатнинг совет кишиларининг бахти ва саодати тўғрисида ҳаммиса ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи янги ёрқин далиллар.

Бугун Иттифоқ Советининг мажлиси Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиевнинг нутқи билан бошланди. Сўнгра Краснотар ўлкасидаги, Усть-Лабинск ишлаб чиқариш бошқармасининг Киров номи колхоз раиси депутат Т. К. Третьяковга, Грузия ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат Г. И. Чоговадзегга сўз берилди.

Миллатлар Советининг эрталабки мажлисида КПСС Чувашистон область комитетининг биринчи секретари депутат С. М. Ислюков, Грузия ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг врачлар малакасини ошириш институтида кафедра мудири депутат Г. И. Глонт, Адигей Автоном

областининг Шовгеновский ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номи колхоз раиси депутат А. К. Неданов сўзга чиқдилар.

МОСКВА, 15 июль. (ТАСС). Бугун соат 16 да Катта Кремль саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди. Партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари дозаларга чиқдиларида, депутатлар ва меҳмонлар уларни гулдурас қарсақлар билан табриқладилар.

Мажлиса депутатлар ва меҳмонлар томонидан самийий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев қисқача ахуловчи нутқ сўзладди.

Шундан кейин, СССР Олий Совети колхоз аъзоларининг пенсиялари ва нафақалари тўғрисидаги йонун қабул қилиниши муносабати билан колхозларининг иттифоқ пенсия фондида маблағ акратиш тартиби ва унинг миқдори тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш учун комиссия сайланди.

Миллатлар Совети ва Иттифоқ Совети депутатларининг алоҳида-алоҳида овоз беришлари билан колхоз аъзоларининг пенсиялари ва нафақалари тўғрисидаги йонун яқдиллик билан қабул қилинди.

Маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалик, савдо, умумий овқатланиш хўжалиқлари ва халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги йонун ҳам яқдиллик билан қабул қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА 1964 ЙИЛ 15 ИЮЛДА ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Депутат ўртоқлари! Сизларга маълумки, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Марказий Комитетининг 1963 йил июнь Пленумида партия Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланган эди.

Марказий Комитет ўртоқ Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг секретари сифатида партия Марказий Комитетида иш олиб боришини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Шу муносабат билан Марказий Комитет ўртоқ Брежневни СССР Олий Совети Президиуми Раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида таклиф қилди.

Партия Марказий Комитети Олий Совет Президиуми Раиси лавозимига шу сессияда муҳокама қилмоқ учун

ўртоқ Анастас Иванович Микоян номзодини тавсия этди. Бунда уни Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилиш кўзда тутилди.

Ўртоқ Микояннинг характеристика бериб ўтиришнинг ҳолати йўқ, деб уйлайман. Анастас Иванович бизнинг партияимизда ва Совет давлатида қандай катта сийосий ва давлат ишини бажариб келганлигини ва бажараётганлигини ҳаммамизга билансиз. У соддиқ ленинчи, коммунист иш учун актив курашчи эканлигини кўрсатди. Унинг неча йиллар мобайнида қилиб келётган ишлари халқимизга маълум. Унинг фаолияти бизнинг мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маълум.

Партия Марказий Комитети ўртоқ Микоян Совет Итти-

фоқи Олий Совети Президиуми Раиси каби катта ва масъулиятли лавозимни ишониб топшириш учун муносиб кишидир, деб ҳисоблайди.

Ўртоқлари!

Биз депутатларнинг партия Марказий Комитети таклифини қўллаб-қувватлашлари ва қабул қилишларига ишонимиз. (Қарсақлар). Мен овозга қўшимча — гарчи бу нарсга бирмунча баривақт деб туюлса ҳам — Леонид Ильич Брежневга унинг Олий Совет Президиуми Раиси лавозимига қилган самарали иш учун чин қўйилган ташаккур изҳор қиламан. Анастас Иванович Микояннинг эса Олий Совет Президиуми Раиси лавозимигаги фаолиятида катта муваффақиятларга эришувини астойдил тиламан. (Гулдурас, давомли қарсақлар).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИДА 1964 ЙИЛ 15 ИЮЛДА ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Депутат ўртоқлари! СССР Олий Совети «КПСС Программасини халқ фаровонлигини ошириш соҳасида бажариш чоралари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилишни тамомлаётган. Депутатлар, бугун халқимиз бу сессиянинг колхозчиларга пенсия ва нафақалар белгилаш тўғрисидаги ва маориф, соғлиқни сақлаш хўжалиқлари, халқ хўжалиқининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатувчи турли тармоқлари ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги қарорларини рағбат маъқуллаб кутиб оладилар, деб айтсам, ҳаммамнинг фикрини изҳор қилган бўлсам, деб уйлайман. (Қарсақлар).

Кўп депутатлар шу минбарда туриб, колхозчиларга пенсия ва нафақалар белгилаш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш хўжалиқлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлар ходимлари иш ҳақинини ошириш иш тўғрисидаги қарорларни куч ва кудратини, совет экономикаси янада бораётганлигини исбот қилади, дедилар.

Сессиянинг муҳокама этилган масала юзасидан қонунлар қабул қилиш партияимизнинг, ҳукуматимизнинг халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан бошқа нияти йўқлигини яна бир марта кўрсатади. Бизнинг олий мақсадимиз — коммунизмни муваффақиятли суратда қуришдан, меҳнатқашларнинг фаровонлигини ўстириш йўлини қатъият ва изчиллик билан амалга оширишдан иборат. Коммунистик партия ва Совет давлатининг улуғ асосчиси Владимир Ильич Ленин бизни шунга даъват этган эди ва биз коммул ишонч билан Ленин йўлидан бораверамиз. (Гулдурас қарсақлар).

Сессиянинг материаллари тўғрисида Совет мамлакатига ҳам, чет элларда ҳам қизгин фикрлар баён қилинмоқда.

Ҳатто бизнинг душманларимиз ва бепарво қарай олмаган кишиларнинг кўпчилиги ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати мамият олдидаги ўзининг сийосий мажбуриятларини амалда бажараётганлигини таълошти мажбур бўлдилар.

Бутун дунё меҳнатқашлари социализмга меҳнат аҳлининг маданиятини юксалтириш, фаровонлигини ўстириш учун кечисиз имкониятлар очиб бераётганлигига ана ва яна бир марта ишонч ҳосил қилмоқдалар. Социализмга тарихнинг ижодчиси, барча моддий бойликларнинг яратувчиси бўлган меҳнат аҳлини улутлайди.

Депутатларнинг моддий фаровонлигини ошириш муносабати билан бир-бири билан ҳамбарчас болган сўзларини чуқур аңглаб айтган сўзларини эшитиш жуда ёқимли бўлди. Совет социалистик жамиятида ҳар бир кишининг бахт-саодати, шунингдек бутун халқнинг бахт-саодати экономикани ривожлантиришдаги муваффақиятлар билан меҳнат уюмдорлигини ўстириш билан тўпла-тўғри ва бевосита боғлиқ. Ишчилар, колхозчилар, интеллигенция ўз куч-ғайратлари билан нечоғдиқ кўп бойлик туз-

лайдиган бўлсалар, ҳар бир совет кишининг турмуш даражаси шу қадар юксалишга кўтарилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўз Программасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг қудратли ривожланишини таъминлаш, совет кишининг моддий ва маданий талабларини ҳар томонлама қондириш учун шароит вужудга келтиришдан иборат буюн мақсадни белгилаб берди. Бизнинг халқимиз олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятлан амалга ошириш учун ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан ҳозирдаёқ кўп иш қилди. Аммо олдимизда жуда катта ишлар турибди. Коммунистик қурилишнинг конкрет устакларидида бутун куч-ғайратини сарфлаб меҳнат қилиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш зарур.

Бизнинг халқимиз коммунизм галабаси учун курашда бундан буюн ҳам зўр ўрнат қўрсатишда шубҳаланмас ҳам бўлади.

Депутат ўртоқлари! Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг мажлисларида колхозчиларнинг пенсия ташминотини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жуда муҳим масалаларга тааллуқли рапор айтилди. Кўп кишилар, СССР Олий Совети колхозларининг даромадларидан пенсия фондида маблағ акратиш тартибин ишлаб чиқарилган, шунингдек колхозчиларнинг ҳақини қилинганда бошқа баъзи масалаларни қараб чиқилиш комиссияси тузиши керак, дедилар.

Мен Краснодар ўлкасидаги Ки-

ров номи колхоз раиси депутат Третьяковнинг нутқида катта аҳамият бераман. У айтиди, колхозчиларнинг пенсия билан таъминлаш тартибин ишлаб чиқиш вақтида мамлакатнинг баъзи районларида пенсия фондида ҳозир салмондор ҳисса қўша олмайдиған қолоқ колхозлар ҳали борлигини ҳисобга олиш керак.

Ўртоқ Третьяков ҳақда суратда ташвишланди, агар пенсия фонди ташкил қилиниб, бу фондда ана шу колхозларнинг иштироки қилиш принциплари шартлаб қўйилмайдиган бўлса, бу ҳол уларни юксалтиришга ердан бермайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қолоқ колхозларнинг аъзоларини давлат таъминотида, яъни колхозлар таъминотида олишти тўғри қилиб қолади. Улар пенсия фондида ҳам маблағ қўшганлари ҳолда, бу фонддан уларга қўшганга нисбатан кўпроқ маблағ оладилар. Бу эса, қолоқ колхозларнинг экономикасини мустахкамлашга эмас, балки айрим ҳолларда уларнинг экономикасини заифлаштиришга олиб боради.

Депутатлардан — Винница областидидаги колхоз раиси Кавун, Владимир областидидаги колхоз раиси Горшков, Курск област, Калининск қишлоқдаги колхоз раиси Гривчев, Ставрополь ўлкасидаги колхоз раиси Володин ва бошқа баъзи депутатлар ҳам худди шундай фикрни билдирдилар.

Менинг фикримча, уларнинг ташвишланишлари учун тўла асос бор. Улар кўтарган масалалар СССР Олий Совети комиссияси-

лар ҳаракатида аҳоли, тинчлик учун кураш проблемалари муҳокама қилинди.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг И. Г. Маурер, Э. Будираш, А. Бирлядяну, Л. Рэуту ўртоқлардан иборат делегацияси 13 июлда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев

билан учрашди. Уларнинг сўз-суҳбатларида, учрашувда Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андронов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси М. А. Лесечко ўртоқлар қатнашдилар.

Учрашув самийини, дўстона вазиятда ўтди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА РУМИНИЯ ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ЎРТАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН МУЗОКАРАЛАР ТЎҒРИСИДА

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети сийосий босирининг аъзолари И. Г. Маурер, Э. Будираш, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети сийосий босирининг аъзолигига кандидатлар А. Бирлядяну, Л. Рэутудан иборат делегацияси 6 июлдан 14 июлгача дўстлик визити билан Совет Иттифоқида бўлди.

Руминиялик ўртоқлар Москвада бўлган вақтларида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андронов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси М. А. Лесечкодан иборат делегацияси билан бир неча марта учрашдилар.

Шу учрашувлар вақтида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи масалалар устида фикрлашиб олинди. Совет—Руминия муносабатларида, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Руминия Ишчи партияси ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир масалалар, социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг ақтуал проблемалари, жаҳон коммунистик ва ишчи-

лар ҳаракатида аҳоли, тинчлик учун кураш проблемалари муҳокама қилинди.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг И. Г. Маурер, Э. Будираш, А. Бирлядяну, Л. Рэуту ўртоқлардан иборат делегацияси 13 июлда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев

билан учрашди. Уларнинг сўз-суҳбатларида, учрашувда Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андронов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси М. А. Лесечко ўртоқлар қатнашдилар.

Учрашув самийини, дўстона вазиятда ўтди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ А. И. МИКОЯНни СССР Министрлар Совети

Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод

қилиш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети

қарор қилди:

Ўртоқ Анастас Иванович Микоян СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлиги муносабати билан, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

И. ШАРИПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚОНУНЛАР ВА ҚАРОРЛАР

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

Қ О Н У Н И

КОЛХОЗЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИГА ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАР ТЎҒРИСИДА

Совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси-нинг раҳбарлигида коммунистик қурилишда, мамлакат-нинг ишлаб чиқаруви кўчларини ривожлантиришда, ай-ниқса кейинги ўн йил ичида, жуда катта муваффақият-ларга эришди. Қўдратли ҳар тарафлама ривожланган эко-номикан бўлган келтириди. Бу эса, Совет давлатининг халқ фаровонлигини систематик равишда, ошириш бори-шига ва унинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тў-лиқ қондиришига имкон бермоқда.

Хозирги вақтда колхозларда қариллик, инвалидлик пен-сиялари, боқувчисидан жудо бўлиб қолганда туланиди-ган пенсиялар ҳамда колхоз аъзолари бўлган хотинлар учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тайинлаш йўли билан социал таъминотнинг тагин ҳам барқарор система-сини жорий қилиш имконияти мавжуд.

Колхозчиларни пенсия билан таъминлашда текисчи-лик бўлмаслиги лозим. Колхозчиларнинг меҳнат унвондор-лиги нақадар юқори бўлса, колхоз ҳайдалагани ҳар бир гектар ердан нақадар кўп маҳсулот еттиштириб, давлатга сотиб турса, унинг даромади ва пенсия фондида беради-ган ажратмаларининг миқдори нақадар кўп бўлса, колхоз-чиларга бериладиган пенсия шу қадар кўп бўлиши лозим. Яхши ишлайётган ва ижтимоий ишлаб чиқаришга кўп ҳисса қўшаётган колхозчилар яхшироқ таъминланиши лозим.

Колхозчиларни социал таъминлашнинг давлат систе-масини ўрнатиб колхозчи деҳқонларнинг меҳнат активли-гини янада кўтаринишга ва кишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштирилиши янада кўпайтиришга қаратилган янги му-ҳим стимул бўлади.

Ушбу қонунда кўзда тутилган пенсияларнинг миқдори кейин, миллий даромад, жумладан колхозларнинг даро-мадлари ўса борган сари, аста-секин кўпайтирилиб, иш-чилар ва хизматчиларга тайинланадиган давлат пенсияла-ри даражасига етказилади.

Совет Социалистик Республикалари, Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

I.

УМУМий ҚОИДАЛАР

Модда-1. Колхозларнинг аъзолари қариллик ва инвалид-лик пенсиялари олишга ҳақли.

Вафот этган колхозчиларнинг меҳнатга яроқсиз она аъзолари, агар уларнинг қарамоғида бўлган бўлса-лар, боқувчидан ажралиб қолмиш муносабат билан бери-ладиган пенсия олишга ҳақлидирлар.

Модда-2. Колхоз аъзолари бўлган хотинлар ҳомила-дорлик ва туғиш нафақалари олишга ҳақлидирлар.

Модда-3. Айни бир вақтда турли пенсиялар олишга ҳақли бўлган колхозчиларга ва уларнинг она аъзолари-га ўзларининг танлашларига қараб битта пенсия тайин-ланади.

Модда-4. Ушбу қонунга мувофиқ, пенсиялар ва нафа-қалар тулаш колхозларнинг аъзолари олаётган даромад-лардан ҳеч бир четга олиниши, колхозларнинг ва дав-латнинг маблағлари ҳисобидан татминланади.

Модда-5. Пенсияларга солиқ қўйилмайди.

II.

ПЕНСИЯЛАР

Модда-6. Колхозларнинг аъзоларидан қуйидагилар қариллик пенсияси олишга ҳақли:

Эркаклар — 65 ёшга етганларидан кейин ва камиди 25 йил иш стажига эга бўлганлари тақдирда;

Хотинлар — 60 ёшга етганларидан кейин ва камиди 20 йил иш стажига эга бўлганлари тақдирда.

Модда-7. Колхозларнинг аъзолари бўлган, беш-ёки ундан кўп бола туғиб, бу болаларни саккиз ёшга етгунча тарбиялаган хотинлар 55 ёшга етганларидан кейин ва ка-мида 15 йил иш стажига эга бўлганлари тақдирда, қарил-лик пенсияси олишга ҳақлидирлар.

Модда-8. Колхозларнинг аъзоларига қариллик пенсия-лари ойна 50 сўмгача бўлган иш ҳақининг 50 проценти миқдоридан, бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 25 проценти миқдоридан тайинланади.

Қариллик пенсиясининг минимал миқдори ойна 12 сўм қилиб белгиланади.

Қариллик пенсиясининг максимал миқдори ойна 102 сўм қилиб белгиланади. Янги кишлоқ жойларда доимий ишлаб турган ва кишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган ишчилар ва хизматчилар учун давлат пенсиялари тайин-лаш тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилган қариллик пен-сиясининг максимал миқдори даражасида белгиланади.

Модда-9. Колхозларнинг аъзолари I ёки II группа ин-валид бўлиб қолганлари тақдирда инвалидлик пенсияси олишга ҳақлидирлар.

Модда-10. Колхозларнинг аъзолари меҳнат қилиб турганларида майиб бўлиб қолганлари ёки профессионал касаллик сабабли инвалид бўлиб қолганлари, уларга инва-лидлик пенсиялари иш стажидан қатъий назар тайин-ланади.

Колхозларнинг аъзолари умумий касалликка учраб қолганларида ёки ишга алоқаси бўлмаган ҳолда майиб бўлиб қолганларида натижасида инвалид бўлиб қолса-лар, уларга инвалидлик пенсиялари пенсия бериши сў-раб мурожаат қилган вақтларида иш стажлари қуйидаги-ча бўлганида тайинланади.

Еши	Иш стаж (йил ҳисобида)
Эркаклар	Хотинлар
20 ёшга етгунча	1
20 ёшдан 23 ёшга етгунча	2
23 ёшдан 26 ёшга етгунча	3
26 ёшдан 31 ёшга етгунча	5
31 ёшдан 36 ёшга етгунча	7
36 ёшдан 41 ёшга етгунча	10
41 ёшдан 46 ёшга етгунча	12
46 ёшдан 51 ёшга етгунча	14
51 ёшдан 56 ёшга етгунча	16
56 ёшдан 61 ёшга етгунча	18
61 ёш ва ундан каттароқларга	20

Модда-11. Колхозларнинг аъзоларига инвалидлик пенсиялари қуйидаги миқдорда тайинланади:

I группа инвалидларга 50 сўмгача бўлган ойлик иш ҳақидан 50 процент ва, бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 25 проценти.

II группа инвалидларга 40 процент.

Пенсияларнинг минимал миқдори: I группа инва-лид бўйича ойна 15 сўм, II группа инвалидлик бўйича ойна 12 сўм тайинланади.

Меҳнатда майиб бўлиб қолганлик ёки профессионал касаллик натижасида инвалид бўлиб қолган кишиларга юқорида белгиланган нормалар юзасидан ҳисоблаб тайин-ланган пенсиялар (шу жумладан минимал пенсиялар ҳам) 20 процент оширилади.

Инвалидлик пенсияларининг максимал миқдори киш-лоқ жойларида доимий ишлаб турган ва кишлоқ хўжалиги билан алоқадор ишчилар ва хизматчилар учун давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган инвалид-лик пенсияларининг максимал миқдори даражасида бел-гиланади.

Модда-12. Вафот этган колхозчининг қарамоғида бў-лган меҳнатга яроқсиз она аъзолари боқувчидан ажралиш муносабати билан бериладиган пенсия олишга ҳақлидир-лар.

Ойланинг қуйидаги аъзолари меҳнатга яроқсиз деб ҳисобланади:

1) 16 ёшга (қўчулар — 18 ёшга) етмаган болалар, укалар, сингиллар ва набиралар ёки, ишга шундан олдин кетган болалар, укалар, сингиллар ва набиралар, агар улар 16 ёшга (қўчулар — 18 ёшга) етмай туриб I ёки II группа инвалид бўлиб қолган бўлсалар, бунида ука-лар, сингиллар ва набираларнинг меҳнатга яроқсиз ота-оналари бўлмаслиги шарт;

2) ота, она, хотин, эр, агар улар: эркаклар 65 ёшга, хотинлар 60 ёшга етган бўлсалар ёхуд I ёки II группа инва-лид бўлсалар;

3) бобо ва бува, агар бобо 65 ёшга ёки буви 60 ёшга етган бўлса, ёхуд I ёки II группа инвалид бўлсалар, ҳам-да уларнинг қонун бўйича боқиши лозим бўлган киши-лари бўлмаса.

Вафот этган кишининг қарамоғида бўлмаган болалари ва меҳнатга яроқсиз ота-оналари кейинчалик ўзларини боқиб турган манбаларини йўқотганлари тақдирда, боқув-чидан ажралиш муносабати билан бериладиган пенсия олишга ҳақлидирлар.

Қонуний тартибда ота бола ёки она бола тутилган кишиларнинг оталари ёки оналари ўзларининг тутилган оталари ёки оналари қаби, болалари эса ўзларининг туқ-қан болалари қаби пенсия олишга ҳақлидирлар.

Модда-13. Меҳнат вақтида майиб бўлганлиги ёки про-фессионал касаллик сабабли вафот этган колхозчилар-нинг оилаларига пенсиялар боқувчининг иш стажидан қатъий назар тайинланади.

Умумий касаллик сабабли ёки ишга алоқадор бўлма-ган майиблик сабабли вафот этган колхозчиларнинг оил-аларига пенсиялар, агар боқувчининг инвалидлик пенсияси тайинланмоғи учун зарур иш стаж и бўлган тақдирда, та-йинланади.

Модда-14. Боқувчидан ажраб қолганларга пенсиялар қуйидагича тайинланади:

Ойланинг меҳнатга яроқсиз уч ёки ундан кўп аъзо-сига боқувчи ҳар ойда олиб келган 50 сўмгача иш ҳақин-инг 50 проценти миқдоридан ва бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 25 проценти миқдоридан:

ойланинг меҳнатга яроқсиз икки аъзосига — 40 про-цент;

ойланинг меҳнатга яроқсиз бир аъзосига — боқувчи-нинг ҳар ойда олиб келган 50 сўмгача иш ҳақининг 30 проценти миқдоридан ва, бундан ташқари, қолган иш ҳақининг 10 проценти миқдоридан.

Пенсияларнинг минимал миқдори қуйидагича белгила-нади: ойланинг меҳнатга яроқсиз уч ёки ундан кўпроқ аъзоларига ойна 15 сўм, ойланинг меҳнатга яроқсиз икки аъзосига — 12 сўм ва ойланинг меҳнатга яроқсиз бир аъзосига — 9 сўм.

Боқувчиси меҳнат вақтида майиб бўлиб қолганлиги ёки профессионал касаллиги сабабли вафот бўлган тақ-дирда, юқорида белгиланган нормаларга мувофиқ, ҳисоб-ланган пенсиялар (шу жумладан минимал пенсиялар ҳам) 20 процент оширилади.

Боқувчисидан ажралиб қолганлиги сабабли берила-диган пенсияларнинг максимал миқдори кишлоқ жойла-рида доимий яшаб турган ва кишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлган ишчилар ва хизматчиларнинг оилалари учун давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунда кўзда ту-тилган ва боқувчидан ажралиш муносабати билан бери-ладиган пенсияларнинг максимал миқдори даражасида тайинланади.

Модда-15. Пенсиялар тайинлашда иш стажига қуйи-дагилар қиритилади:

1) Колхоз аъзоси сифатида ишлаш вақти;

2) ишчи ёки хизматчи сифатида бажарилган иш вақ-ти, СССР Қўроқли Кучлари составида қилинган хизмат ва партизан отрядларида бўлган вақт, шунингдек давлат пенсиялари тўғрисидаги қонунга кўра, пенсиялар тайин-лашда иш стаж ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган бош-қа даврлар.

Модда-16. Пенсия бериши сўраб мурожаат қилиш ол-дидан кейинги 15 йил ичида (пенсия сўраб янча берган кишининг ҳоҳишига қараб) исталган сурункали беш йил-лик муздат ичида қилинган иш учун ҳақидида ойнаган ойлик ўртача иш ҳақидан ҳисобланиб, пенсия тайинла-нади.

Колхозда беш йилдан кам ишлаган колхоз аъзола-рига ва колхозда беш йилдан кам ишлаган боқувчисини йўқотган колхоз аъзоларининг оилаларига пенсиялар, кол-хозда ишлаган вақт ичида ҳақидида ҳар ойда ойнаган ўртача иш ҳақидан ҳисобланиб, тайинланади.

Модда-17. Колхоз аъзоси бўлган ва пенсия тайинлан-ганлардан кейин колхозда пенсия тайинламоғи учун асос қилиб олинган иш ҳақидан кўра, кўпроқ иш ҳақи олиб, камиди икки йил ишлаган пенсияонерларга ана шу юқори-роқ иш ҳақига асосланиб туриб, пенсиянинг янги миқдо-ри белгиланади.

III.

КОЛХОЗЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ БЎЛГАН ХОТИНЛАРГА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАЛАРИ

Модда-18. Колхозларнинг аъзолари бўлган хотинлар ўзларининг иш стажларидан қатъий назар, ҳомиладорлик, туғиш отпускида бўлган вақтлари учун нафақа олишга ҳақлидирлар.

Ҳомиладорлик ва туғиш отпускин тўғрисида олдин 56 календар кун миқдоридан ва туғишдан кейин 56 календар кун миқдоридан, туғиш нормал бўлмаган ёки икки ёхуд ундан кўпроқ бола тутилган тақдирда эса — туғиш дан кейин 70 календар кун миқдоридан берилади.

Модда-19. Колхозларнинг аъзолари бўлган хотинлар-га ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари ишчи ва хизматчи хотинлар учун белгиланган нафақаларни тайинлаш тар-тибига ва нормалари бўйича белгиланади.

IV.

ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР ТЎЛАШ УЧУН МАБЛАҒЛАР

Модда-20. Ушбу Қонунда кўрсатилган пенсиялар ва нафақалар тўламоқ учун колхозларнинг даромадларидан ажратиб бериладиган маблағлар ҳамда Давлат Давлат бюджетидан ҳар йили ажратилган маблағлар ҳисобидан колхозчиларни социал жиҳатдан таъминловчи мар-казлаштирилган иттифоқ фонди ташкил этилади.

Модда-21. 1964 йилдан бошлаб ҳамма колхозлар кол-хозчиларни социал таъминлашнинг марказлаштирилган иттифоқ фондида СССР Министрлар Совети белгилаб берган миқдорда пул ажратиб бериладир.

Колхозчиларни социал таъминловчи марказлаштири-лан иттифоқ фондида ажратиб берилиши лозим бўлган маблағлар колхозларга даромад солиғи солиш вақтида уларнинг даромадларидан қиёраб юборилади.

V.

ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

Модда-22. Ушбу қонунда белгиланган пенсиялар миқ-доридан ошқ бўлган миқдорда колхозчиларга пенсиялар тўлаётган колхозлар пенсияларнинг иш миқдорини колхоз маблағлари ҳисобидан қўшиб тўлаш йўли билан сақлаб қоллишлари мумкин.

Модда-23. СССР Министрлар Советига ушбу Қонунга асосланиб:

1) Колхозларнинг аъзоларига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом;

2) колхозларнинг аъзолари бўлган хотинларга ҳоми-ладорлик ва туғиш нафақаларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом;

3) колхозчиларни социал таъминловчи марказлашти-рилган иттифоқ фонди тўғрисида Низом нашр этиш топ-ширилади.

Колхознинг аъзоларига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда, жумладан:

Мамлакатнинг бошқа районларидаги қараганда кол-хозлар кейинроқ тузилган республикалар ва областлар-даги колхозларнинг аъзоларига;

колхозларга коллективлаштирилиши биринчи йилла-рида кирган, лекин кесалиги ёки инвалидлиги сабабли, пенсия тайинлиниши учун зарур иш стаж и бўлмагани ҳолда, колхозда ишлаган тўхтаган колхоз аъзоларига пенсиялар тайинлаш шартлари кўзда тутилсин.

Модда-24. Ушбу Қонун 1965 йил 1 январдан бошлаб қуча қирали.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль,
1964 йил, 15 июль.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

Қ О Н У Н И

Маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалигининг ҳамда халқ хўжалигининг тармоқларидаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисида

КПСС Программасида социал-маданий қурилиш соҳа-сида қўйилган вазифаларни амалга ошириш, ўқитувчи-ларнинг, соғлиқни сақлаш, маданият ходимларининг ҳам-да халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат қўраёт-ган бошқа тармоқларидаги ходимларнинг моддий фаровон-лигини янада ошириш мақсадида Совет Социалистик Рес-публикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Модда-1. Маориф, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалик, савдо ва умумий овқатланиш ходимларининг ҳамда халқ хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат қўра-тувчи бошқа тармоқларидаги ходимларнинг иш ҳақини ошириш қосидан Совет Иттифоқи Коммунистик партия-сининг Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети ишлаб чиққан, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқлари-даги ходимлар иш ҳақини ошириш ва тартибга солиш бо-расида қилинган ишларнинг давоми бўлган тадбирлар маъқулласин.

Модда-2. Ушбу қонуннинг биринчи моддасида кўрсат-илган халқ хўжалиги тармоқларидаги ходимларнинг иш ҳақини ўрта ҳисобда 21 процент ошириш, шу жумладан

маориф ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 25 про-цент, соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 23 процент, савдо ва умумий овқатланиш ходим-ларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 18 процент ҳамда уй-жой-коммунал хўжалик ходимларининг иш ҳақини ўрта ҳисобда 15 процент кўпайтириш 1964—1965 йилларда амалга оширилсин.

Модда-3. Халқ хўжалигининг ушбу қонунда кўрсатил-ган тармоқларидаги ходимлар иш ҳақини ошириш билан бир вақтда ишчи ва хизматчилар учун иш ҳақининг ми-нимал миқдорини кўпайтириб, ойна 40—45 сўмга еткази-лиш ҳамма жойда тугатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
А. МИКОЯН

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1964 йил 15 июль.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Колхоз аъзоларига бериладиган пенсиялар ва нафақалар тўғрисида Қонун қабул қилиниши пенсия фондида колхозларнинг даромадларидан маблағ ажратиш тартиби ва унинг миқдори тўғрисидаги тақлифларни ишлаб чиқиш учун СССР Олий Совети комиссиясини тузиш ҳақида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

1. Колхоз аъзоларига бериладиган пенсиялар ва на-фақалар тўғрисида Қонун қабул қилиниши муносабати билан марказлаштирилган иттифоқ пенсия фондида кол-хоз даромадларидан маблағ ажратиш тартиби ва унинг миқдори тўғрисидаги тақлифларни ишлаб чиқиш учун СССР Олий Совети комиссияси тузилади.

2. Комиссия составига қуйидаги депутатлар сайлан-син:

Комиссия раиси
Воробей Георгий Иванович — Краснодар ўлкаси,
Лабинск савло округидан депутат.

Комиссия аъзолари
Беданов Аскерби Каспиевич — Адигея автоном об-ласти, Косхобск савло округидан депутат.

Беккер Александр Александрович — Олтой ўлкаси,
Рубцовск савло округидан депутат.

Бочкарев Александр Панкратович — Саратов облас-ти, Саратов кишлоқ савло округидан депутат.

Бузинский Александр Григорьевич — Киев области,
Богуславский савло округидан депутат.

Бурмачев Галина Евгеньевна — Украина ССР, Чер-касск савло округидан депутат.

Волков Александр Петрович — Ажария АССР, Бату-ми — Ленин савло округидан депутат.

Володин Борис Михайлович — Қорачай-Черкесия ав-тоном области, Зеленочук савло округидан депутат.

Гарбузов Василий Федорович — РСФСР, Уфа савло округидан депутат.

Голованский Николай Никитич — Олмалта области,
Толдирфурго шаҳар савло округидан депутат.

Горячев Федор Степанович — Новосибирск области,
Новосибирск кишлоқ савло округидан депутат.

Горшков Аким Васильевич — Владимир области,
Гусь-Хрустальный савло округидан депутат.

Грачев Василий Васильевич — Курск области, Дмит-риев савло округидан депутат.

Дюндур Александр Филиппович — Молдавия ССР,
Фалешти савло округидан депутат.

Зарипова Нисарома — Тожикистон ССР, Пархор сай-лов округидан депутат.

Кауун Василий Михайлович — Винница области, Бер-шад савло округидан депутат.

Комляхов Василий Григорьевич — Полтава области,
Решетиллов савло округидан депутат.

Конотон Василий Иванович — Москва области, Егорь-евск савло округидан депутат.

Кочиян Антон Ермакович — Арманистон ССР, Се-ван савло округидан депутат.

Кулаков Федор Давидович — Ставрополь ўлкаси,
Изобильненск савло округидан депутат.

Лавренко Николай Григорьевич — Амур области,
Белогорск савло округидан депутат.

Личук Юстин Тодорович — Украина ССР, Станица-лавск савло округидан депутат.

Лобанов Владимир Елисеевич — Белоруссия ССР,
Глубокский савло округидан депутат.

Лукьяненко Екатерина Денисовна — Красноярск ўл-каси, Уяр савло округидан депутат.

Мажнев Валентинов — Ага Бурятлари миллий ок-руги, Ага Бурят савло округидан депутат.

Мамедов Нусрат Худу ўғли — Озарбайжон ССР, Ма-сали савло округидан депутат.

Мельник Григорий Андреевич — Целиноград области,
Ленин савло округидан депутат.

Монашев Леонид Гаврилович — Курск области, Чи-ши-гровск савло округидан депутат.

Овезов Башир — Туркменистон ССР, Ашхобод сай-лов округидан депутат.

Орловский Кирилл Прокофьевич — Могилев области,
Бобруйск савло округидан депутат.

Песемитий Макар Анисимович — Одесса области, Раз-дельненск савло округидан депутат.

Просвирина Домна Ивановна — Волгоград области,
Калачевск савло округидан депутат.

Расулов Жабор — Тожикистон ССР, Қўргонтепа савло округидан депутат.

Рубен Виталий Петрович — Латвия ССР, Цесис сай-лов округидан депутат.

